

# Маъруза

Мавзу-1:  
Инсон меҳнат  
фаолиятиниң турлари,  
физиологик таъсири.

# **Маъруза режаси:**

- 1. Инсон меҳнат фаолиятининг турлари, физиологик таъсири.**
- 2. Меҳнатнинг физиологик-гигиеник асослари.**
- 3. Меҳнат жараёнида ишловчининг ишлаш қобилятини пасайиши ва зўриқиши.**

# Меҳнат гигиенаси

- Меҳнат одамнинг шаклланиш ва ижтимоий ривожланиши, моддий бойликлар яратишининг асоси ҳисобланади.
- У организмда биологик жараёнларнинг меъёрий кечиши ва ижтимоий вазифаларни бажариш учун зарурдир.
- **Меҳнат гигиенаси** тиббий профилактика соҳаси бўлиб, иш қобилиятини юксак даражада таъминлаш, касб касалликлари ва одамнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа салбий оқибатларнинг олдини олишнинг илмий асосларини ва амалий чораларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

- Тўғри ташкил этилган меҳнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади.
- Жамиятда у нафақат моддий фаровонлик, балки одамнинг тетиклик манбаи ҳамдир. Бироқ меҳнатнинг ижобий таъсири билан бирга баъзи ҳолларда салбий оқибатлари ҳам бўлиши илгаридан кузатилган.
- Бу меҳнат фаолияти натижаларини камайтириб ва сифат жиҳатдан пасайтирибгина қолмай, балки касбга алоқадор касалликларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

- Жамиятнинг тараққий қилиши билан бирга ҳозирга вақтда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда жуда кўплаб қасблар юзага келди. Бирор қасбни эгаллаш муайян кўникма ва билимлар орттиришни талаб этади.
- Мехнатнинг хусусияти ёки ишлаб чиқариш шароити одамнинг иш қобилиятига ёки соғлигига салбий таъсир қила оладиган ҳоллар ишлаб чиқаришда қасбга доир заарлар борлигидан далолат беради.
- Ишлаб чиқариш (қасб) заарлари иш қобилиятини пасайтиради, ўпкир сурункали заҳарланишлар ва қасалликлар пайдо қиласди, умумий қасалланишнинг ошишига, узоқ муддатга чўзиладиган бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлади.
- Қасалланишнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш мұхитининг физикавий, кимёвий, биологик омиллар таъсири оқибатида бўлиши мумкин.

- Мехнат гигиенасининг асосий вазифаси иш унумдорлигини энг юқори даражада ошириш ва ишловчиларниң соғлигига заарали таъсир қилмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунда меҳнат гигиенаси ва юрак-томир, онкологик ва асаб касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.
- Касб касалликларининг профилактикаси илмий таҳлил хулосаларига асосланган. Фан ва техника тараққиёти меҳнат гигиенаси олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда.
- Тебранма ҳаракат, ультратовуш, электр ва магнит майдонлари, ионловчи радиация, лазер нурланшлари ва янги кимёвий моддаларниң организмга таъсирини қунт билан ўрганиш зарурияти туғилди.

- Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилинмасдан олдин, айниқса уларни одам соғлигига зарарлы таъсири ва белгиларини аниклаш, чуқур ўрганиш мұхим.
- Саноат ва қишлоқ хұжалиги әхтиёжлари учун йил сайин күп миқдорда кимёвий моддалар синтез қилинади. Ишлаб чиқаришга жорий қилишдан аввал уларнинг одам организмга зарарлы таъсирини ўрганиш ҳамда ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш лозим.
- Бирорта ҳам янги кимёвий бирикма Соғлиқни сақлаш вазиrlигининг рухсатисиз халқ хұжалигига қўпланишга тавсия этилмайди.

## 2.2. Меҳнат физиологияси

- **Меҳнат физиологияси ва гигиенаси меҳнат физиологиясининг бўлими бўлиб, иш пайтида инсон танасида юз берадиган функционал ўзгаришларни текширади ва иш қобилиятини сақлаш ва ошириш, меҳнат фаолияти ва жараёнининг ишчилар соғлигига салбий таъсириининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.**
- **Меҳнат, аввало, ижтимоий тушунчадир.** Меҳнат жамиятнинг энг хусусиятли белгиларини таҳлил қилиш, ижтимоий режада моддий бойликлар манбаи ва жамиятни шакллантирадиган негиз эканлигини кўрсатади. Биологик жиҳатдан меҳнатнинг энг муҳим фаолияти тана ҳисобланади.
- Фойдали меҳнат ёки ишлаб чиқариш айrim турлари ўртасидаги тафовутларга қарамай, физиологик жиҳатдан улар организмнинг вазифаси ҳисобланади ва шундай ҳар бир вазифа киши мияси, асаби, мушаклар, сезги органларининг сарфидир.

- Мехнат турларининг умумий белгилари ҳам, тафовутлари ҳам бор. Шартли равишда жисмоний ва ақлий меҳнат турлари фарқланади. Қўлда бажариладиган иш турларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутни аста-секин йўқотиб бораётган бўлсада, сақланиб қолмоқда.
- Ҳар қандай меҳнат турида қувват сарф бўлади, организмда физиологик силжишлар кузатилади. Жисмоний меҳнатда нафас ва қон айланиш тизимларида бир мунча силжишлар содир бўлса, ақлий меҳнатда асосан асаб тизими қатнашади ва модда алмашинуви камроқ рўй беради.
- Меҳнат физиологиясида «ақлий иш», «жисмоний иш» дейилганда, ақлий ва жисмоний меҳнат назарда тутилади, бироқ «меҳнат» ва «иш» тушунчалари бир-биридан фарқ қиласди.
- «Иш» тушунчаси қувват сарфланиши ва организм тинч ҳолатдан чиқиши билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг ҳамма турларини англатади.

# Жисмоний меҳнат

- **Жисмоний меҳнат** (иш) деганда таянч-ҳаракат аппарати ва унинг ишлаши учун зарур тизимлар ҳаракатини таъминлайдиган муҳим қувват сарфлари билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятининг тури тушунилади. Бунда диққат, хотира каби олий руҳий функциялар ва умуман интеллектуал ва эмоционал соҳалар унчалик зўриқмайди. Жисмоний иш динамик ва статик бўлиши мумкин.
- **Динамик иш** — юкни юқорига, пастга ёки горизонталь кўтаришдир. Физик нуқтаи назардан иш миқдори фазода ўрни алмаштириладиган жисм массасининг тик ёки горизонталь масофага кўпайтмаси билан ўлчанади.

## **Иш микдорини ҳисоблаш ва уни физик оғир-енгиллиги бўйича таснифлаш учун қуидаги тенгламадан фойдаланилади:**

$$A = (\Pi \cdot H) : \frac{\Pi \cdot L}{9} : \frac{\Pi \cdot H_1}{2} \cdot K \quad (3)$$

бу ерда:  $A$  — иш микдори, кг/м;  $\Pi$  — кўтариладиган юк массаси, кг;  $H$  — юкни кўтариш баландлиги, м;  $L$  — юкни уфқий йўналишда кўтариш масофаси, м;  $H_1$  — юкни пастга тушириш масофаси, м;  $K$  — олтига тенг коэффициент.

Бирор ишни муайян вакт ичида бажарадиган организм учун «иш қудрати» тушунчаси мавжуд.

**Иш қудрати** — ишнинг вакт бирлигидаги микдори бўлиб, қуидаги тенглама билан аникланади:

$$N = \frac{A}{t \cdot K_1} \quad (4)$$

бу ерда:  $N$  — иш қудрати, 1 сек/ватт;  $A$  — иш, кг/м;  $t$  — шу иш бажариладиган вакт, сек;  $K_1$  — 10 га тенг бўлган вактларга айлантириш коэффициенти кг/м.

- Ишнинг қуввати меҳнатнинг оғир-енгиллигини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.
- Меҳнат оғирлигининг қўшимча кўрсаткичи бир жойдан иккинчисига кўчириладиган юкнинг максимал катталиги ҳисобланади.
- **Статик иш** — одамнинг фазода тана, қўл ва оёқларини ўзгартирган ҳолда куч сарфлаб ишлашидир.
- Фазода юк кўтарилимагни туфайли бу ишни килограмм-метрларда ўлчаш мумкин эмас, юк массасини уни тутиб туриш давомийлигига кўпайтириб, иш вақти мобайнида хронометражлаш билан аниқланади.


- Статик юк катталиги секундига килограммларда ифодаланади.
- Смена мобайнида статик куч катталиги ўзгарадиган бўлса, бу ҳолда ишнинг даври учун уни ушлаб туриш вақтига сарфланган кучи алоҳида аниқланади, сўнгра қийматлари жамланади.
- Бир смена учун статик юк катталиги меҳнатнинг оғир-енгиллигига доир асосий қўрсаткичларидая бири ҳисобланади.
- Ишнинг оғир-енгиллик тоифасини аниқлашда юк (куч) катталигигина эмас, балки унинг бир ё икки қўлда ушлаб турилиши, гавда ва оёқ мушаклари қатнашиши ёки уларнинг қатнашмаслиги ҳисобга олинади.

## Ақлий мәхнат

- Ақлий мәхнат — одамнинг ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва ижодий фаолият билан банд бўлишидир. Унинг асосини маълумотан идрок қилиш, қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилиш ташкил этади. Маълумотни қабул қилиш асосан қўриш ва эшитиш органлари томонидан амалга опшрилади. Бунда **диққат, хотира, интеллектуал фаолият сингари олий руҳий функциялар** ишга солинади.
- Ортиқча зўриқиши ўзига хос бажариладиган функцияларнинг бир хиллиги ва соддалиги (монотонлиги) айrim мәхнат турларининг хусусияти ҳисобланади.
- Ақлий фаолиятнинг ҳамма ҳолларида **асаб тизими, унинг марказий бўлимларининг иштирок** этиши асосий белги саналади.

- Аксарият ақлий меҳнатни бажариш мушак фаоллигининг пасайиши (гипокинезия) билан бирга ўтади.
- **Ақлий меҳнатни синфлашда унинг қатор хусусиятлари** ҳисобга олинади. Меҳнатнинг кучи, аввало, диққат функциясиға қандай талаблар қўйилишига боғлиқ. Бу айни вақтда кузатилиши лозим бўлган муҳим ишлаб чиқариш объектларининг сони, вақт бирлигида келиб турадиган сигналлар миқдорига боғлиқ.
- Шунингдек, эмоционал эшитиш ҳамда кўриш зўриқишининг олдини олишда меҳнатнинг бир маромдаги даражаси муҳим аҳамиятга эга.
- Меҳнатнинг кучига, шунингдек, навбат (смена) билан ишлаш режаси ҳам таъсир қилади, мунтазам равишда эрталабки сменада бажариладиган иш *кам куч сарфланадиган меҳнат*, иш сменаси ўзгариб турадиган, жумладан, тунда ишлаш жараёнини *кўп куч сарфланадиган меҳнат* дейилади.


# Венн диаграммаси ёрдамида ақлий ва жисмоний мәхнатларни солиштириңг



# Назорат саволлари

- 1.Меҳнат нима?
- 2.Ишлаб чиқаришнинг вазифаси нима?
- 3.Меҳнат гигиенаси нима?
- 4.Меҳнат санитарияси ва гигиенаси қачон илмий фан сифатида шаклланган?
5. Фаолиятнинг турларини келтиринг.
6. Жисмоний меҳнат нима нима?
7. Ақлий меҳнат нима?
8. Меҳнат жараёнида ишловчининг ишлаш қобилятини пасайиши ва зўриқиши нима учун содир бўлади.

## «Қандай?» (муаммони ечиш) иерархик диаграммасы ёрдамида мәхнат муаммоларини ечишиң күрсатинг



**Эътиборингиз учун раҳмат!**